

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 105-ҳадис

105 – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «بِحَسْبِ امْرِئٍ مِنَ الشَّرِّ أَنْ يَحْقِرَ أَحَاهُ الْمُسْلِمَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ، وَقَدْ سَبَقَ قَرِيبًا بِطَوْلِهِ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Кишининг муслмон биродарини паст санамоғи унинг ёмон эканига кифоя қилади», дедилар.

Имом Муслим ривоятлари. Узун ҳолдагиси бироз олдин келди.

Шарҳ: Муслмон бирор кимсани паст санамайди. Эҳтимол, у менсимаётган киши Аллоҳнинг ҳузурида энг афзал киши бўлиши мумкин. Паст санаш-хунук исм ёкм лақаб билан чақириш ёки кишилардан устун келиш, ўзини кўрсатиш мақсадида одамларни орқали обрўсизлантириш, ерга уриш, уларга паст назар ила қараб, такаббурлик қилиш билан бўлади.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Муслмон киши биродарини паст санаши, камситиши ҳаромлиги.
2. Муслмон киши биродарини асосиз паст санаши, таҳқирлаши уни ёмон инсон эканига кифоя қилади.
3. Бошқалардан устун келиш ва улар ёқтирмайдиган исмлар билан чақириш, уларни паст санаганининг, ерга урганининг белгисидир.
4. Биродарини ранги, ирқи, келиб чиқиши, насаби ва оиласи ёки бажараётган вазифасини айблаш- уни камситганини билдиради.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVAT MARVARIDLARI

